# КОНСТАНТИН УСТИНОВИЧ ЧЕРНЕНКОНИ ДАФН ЭТИШ МАРОСИМИ

## В. В. ГРИШИН нутқи

Ўртоқлар!

Москва коммунистлари, меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Константин Устинович Черненконинг вафоти муносабати билан партия, совет халқи билан биргаликда чуқур қайғурмоқдалар.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби Константин Устинович Черненконинг бутун ҳаёти улуғ Ленин ишига, коммунизм қурилишига фидокорона садоқатнинг ёрқин намунасидир. У совет халқининг содиқ фарзанди эди ва ўзининг таланти, ҳамма куч-ғайратини шу халққа хизмат қилишга бағишлади.

Константин Устинович Черненко партиянинг хўжалик, ташкилий, идеологик ишларини такомиллаштиришга, совет кишиларининг меҳнат ғайрати ва сиёсий активлигини ривожлантиришга, Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини кучайтиришга катта ҳисса қўшди.

Константин Устинович Черненконинг ҳамиша узоқни кўрадиган ва ўз вақтида кўрсатилган ташаббуслари улуғ мамлакатимизни янада кўпроқ яшнаб турган қудратли мамлакатга айлантириш, совет кишиларининг турмушини моддий жиҳатдан тобора таъминланган ва маънавий бой қилишдан иборат ягона мақсадга эришишга қаратилган эди.

Константин Устинович Черненконинг инсониятга таҳдид қилаётган ядро уруши хавфини йўқотиш ҳақида, ялпи тинчликни мустаҳкамлаш, халқаро майдонда самарали ҳамкорликни ривожлантириш, социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари, қардош марксчи-ленинчи партияларнинг бирлиги ҳамда жипслигини мустаҳкамлаш тўғрисида тинмай ғамхўрлик қилганлиги бутун жаҳонга маълум.

Константин Устинович Черненконинг қарийб 30 йиллик ҳаёти ва фаолияти Москва билан бевосита боғланган эди. У Москвада партия Марказий Комитети ва СССР Олий Совети Президиумининг аппаратларида ишлади, КПСС Марказий Комитетининг Умумий бўлим мудири, Марказий Комитет секретари, сўнгра эса КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси бўлди.

Москва меҳнаткашлари Константин Устинович Черненкони яхши билар эдилар. У Москва корхоналарига кўп марта бориб, ишчилар билан учрашар, шаҳар экономикасининг ривожланиши билан, москваликларнинг меҳнат, турмуш ва дам олиш шароитлари билан қизиқиб турар эди, шаҳар партия ташкилоти, совет органлари олдида турган вазифаларни ҳал этишда уларга катта ёрдам кўрсатар эди. Москваликлар уни кўп марта СССР ва РСФСР Олий Советларининг депутати қилиб сайлаган эдилар.

Юксак ғоявийлик, зўр меҳнатсеварлик, принципиаллик, талабчанлик билан уйғунлашган демократизм, ташкилотчилик таланти, шахсан камтарлик, яъни Ленин типидаги раҳбар сифатидаги барча хусусиятлар Константин Устиновичга хос фазилатлар эди.

Константин Устинович Черненко ўзининг бутун ҳаёти давомида улуғ Ленин партиясининг аъзоси деган юксак номга муносиб иш кўрди. У 1931 йилдан буён партия аъзоси эди.

Биз бугун Константин Устинович Черненко тобути олдида бош эгамиз.

Оташин коммунист, ватанпарвар ва интернационалистдан, юксак партиявийлик ва собитқадамлик намунасини кўрсатган инсондан жудо бўлганлигимизни тасаввур этиш жуда оғир.

Оғир жудоликдан чуқур қайғураётган Москва меҳнаткашлари партия XXVI съездининг, КПСС Марказий Комитети кейинги Пленумларининг қарорларини амалга ошириш, социал-иқтисодий ривожланиш планларини бажариш учун курашда, Константин Устинович Черненко ўзининг бутун ҳаётини бағишлаган коммунизм иши учун курашда куч-ғайратларини янада оширишга азму қарор қилганлар.

Биз Коммунистик партия ва Совет давлатининг шонли фарзанди Константин Устинович Черненконинг порлоқ хотирасини қалбларимизда абадий сақлаймиз.

## П. Н. ФЕДОСЕЕВ нутқи

Ўртоқлар! Совет олимлари Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, социалистик Ватаннинг содиқ ватанпарвари ва интернационалист, ер юзида тинч ҳаёт ва инсониятнинг социал тараққиёти учун саботли курашчи Константин Устинович Черненко вафоти муносабати билан оғир жудолик аламини чекмоқдалар ва умумхалқ қайғусига самимий ҳамдарддирлар.

Константин Устинович Коммунистик партия ва социалистик қурилиш ишига ўзининг бутун ҳаётини бағишлаб, барча масъулиятли лавозимларда ленинча принципиаллик ва партиявийлик, ижтимоий бурчни юксак даражада англаш, омма билан алоқани мустаҳкамлаш тўғрисида, халқнинг фаровонлиги ҳақида тинимсиз ғамхўрлик қилиш намунасини кўрсатди. Марксизм-ленинизмнинг таниқли назариётчиси ва толмас пропагандисти бўлган Константин Устинович ўз фаолиятида революцион назария ва практикани, ташкилотчилик ва идеологик ишларни бир-бири билан узвий қўшиб олиб боришнинг ёрқин намунасини кўрсатди. Ғоявий-сиёсий тарбия ва кадрларнинг назарий билимини ошириш масалалари ҳамиша унинг диққат марказида бўлди.

Ўртоқ Черненко марксча-ленинча назарияни ривожлантиришга катта ҳисса қўшди, унинг нутқларида ва мақолаларида ривожланган социалистик жамиятни такомиллаштириш йўллари ва методлари тўғрисида, жамиятнинг коммунизм сари бориш истиқболлари ҳақида принципиал қоидалар ўртага қўйилди ва асослаб берилди. Унинг партиянинг идеологик ишлари масалаларига оид, маориф ва ёш авлодни илмий дунёқараш, социалистик Ватанга садоқат ва халқ фаровонлиги йўлида бунёдкорлик ишларига тайёр туриш руҳида тарбиялаш проблемаларига оид нутқлари катта аҳамиятга эгадир. У социалистик мамлакатлар тажрибасини умумлаштиришга, жаҳон социалистик ҳамдўстлигини мустаҳкамлашнинг актуал проблемаларига кўп эътибор берди. У ҳозирги мураккаб вазиятда халқаро муносабатлар назарияси ва практикаси масалаларини муфассал ишлаб чиқди.

Марксизм-ленинизм назариясини ривожлантиришга ижодий ҳисса қўшганлиги учун унга СССР Фанлар академиясининг жамиятшунослик соҳасидаги юксак мукофоти — Карл Маркс номидаги Олтин медаль берилганди.

Совет олимлари ўртоқ Черненконинг илм-фанни ривожлантириш тўғрисидаги, социалистик ишлаб чиқарувчи кучларни такомиллаштириш ва ижтимоий ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишдаги асосий бўғин сифатида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш ҳақидаги ғамхўрлигини билар ва юксак қадрлардилар.

Совет олимлари Ватанимиз фаровонлиги йўлида ўз куч ва билимларини сарфлар эканлар, ривожланган социалистик жамиятни ҳар томонлама ва муттасил такомиллаштириш, илмий коммунизм назарияси ва практикасини янада ривожлантириш — Ленин партияси юксак идеалларини амалда рўёбга чиқаришдан иборат эканлигини тушунадилар. Константин Устинович Черненко мана шу идеаллар йўлида яшади, меҳнат қилди ва курашди.

Совет фани арбоблари КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март Пленуми қарорларини якдиллик билан маъқуллаб, тўла-тўкис қўллаб-қувватламоқдалар. Пленум партия сиёсатининг изчиллиги ва давомийлигини, унинг марксизм-ленинизмнинг енгилмас байроғи остидаги мустаҳкам бирлиги ва метиндек жипслигини намойиш қилди.

## С. С. ЦИГЛИМОВ нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Атоқли сиёсат арбоби, содиқ ленинчи-коммунист Константин Устинович Черненко вафоти муносабати билан бошимизга тушган оғир жудолик аламини, чуқур қайғумизни сўз билан ифода этиш қийин.

Константин Устинович юқори партия ва давлат лавозимларида ишлаб, биз красноярсклик - сибирликларга қалин дўст, юртдош сифатида яқин ва қадрдон эди.

Константин Устинович Черненконинг меҳнат биографияси олис йигирманчи йилларда, Енисей дарёси соҳилларида бошланган эди. У бу ерда ишчи сифатида ва сиёсий жиҳатдан чиниқди. Константин Устинович болалигидаёқ батракларнинг оғир қисматини бошидан кечирди. У қишлоқ хўжалигини коллективлаштириш йилларида дастлабки колхозларни ташкил этиб, биринчи беш йилликлар планларини амалга ошириш учун актив курашган кишилар сафида бўлди.

Константин Устинович даҳшатли уруш йилларида ўлка партия комитетининг секретари лавозимида ишлаб, Улуғ Ғалабамизни яқинлаштиришга ўзининг бутун куч-ғайратини сарфлади.

Константин Устинович Черненко ҳаётининг сўнгги кунларигача Красноярск диёрига, унинг аёзли ва гўзал табиатига нисбатан ўз қалбида меҳр-муҳаббатни сақлаб қолди, ўзи учун қадрдон бўлган жойлар билан ҳеч қачон алоқасини узмади. У ўлканинг ишлаб чиқарувчи кучларини комплекс ривожлантиришга, йирик саноат комплексларини вужудга келтиришга салмоқли ҳисса қўшди. У дунёда энг катта Саян-Шушенск ГЭСи қандай бунёд этилаётганлиги билан, Куйбишев автотрактор электр асбоблари ва карбюраторлар заводи, Заполярьедаги Норильск шаҳри ўз куч-қудратини ошириб, ғаллакорларнинг меҳнати ва турмуш шароити ўзгараётганлиги билан кун сайин қизиқди.

Красноярскликлар Константин Устинович билан бўлиб ўтган унутилмас учрашувларни ҳамиша ўз хотираларида сақлаб қоладилар. У ўлкада ва бизнинг районимизда бир неча бор бўлган. Биз унинг дилкашлигини, сезгирлигини ва биз, оддий меҳнаткашларга, бизнинг талаб-эҳтиёжларимизга ва юмушларимизга эътибор билан муносабатда бўлганлигини яхши эслаймиз. Халқ орасидан чиққан Константин Устинович ҳамиша оддий, камтар инсон эди, меҳнаткашларнинг ташаббусини дарҳол сезиб, қўллаб-қувватлар эди. Меҳнаткашлар ҳам бунинг учун уни сидқидилдан севардилар, ундан миннатдор бўлиб, тўла самара билан ишлашга ҳаракат қилардилар.

Барча совет кишилари сингари ўлка меҳнаткашлари ҳам Константин Устиновични сўнгги йўлга кузатар эканлар, социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш йўлида, ер юзида тинчлик ва бахт-саодат йўлида фидокорона меҳнат қилишимиз унинг учун энг яхши ёдгорлик бўлишини чуқур англайдилар.

Красноярск ўлкасининг коммунистлари, барча меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитети март Пленумининг қарорларини якдиллик билан маъқуллаб, қўллаб-қувватлайдилар ва Константин Устинович Черненко ўзининг бутун ажойиб ҳаётини бағишлаган коммунизм улуғ иши тантанаси йўлида сабот билан меҳнат қилаверамиз деб, жонажон Ленин партиясига ваъда берадилар.

Алвидо, қадрдонимиз Константин Устинович!

## В. М. МИШИН нутқи

Ҳурматли ўртоқлар!

Партия ва мамлакат оғир жудоликка учради. Комсомоллар, йигит ва қизлар халқимиз бошига тушган оғир мусибат чоғида астойдил қайғурмоқдалар. Атоқли давлат ва сиёсат арбоби, тинчлик ва коммунизм учун фидокор курашчи Константин Устинович Черненко ҳаётдан кўз юмди.

Константин Устиновичнинг сиёсий таржимаи ҳоли Ленин комсомоли сафларида бошланган эди. Комсомол сафларида унинг характери чиниқди, иродаси мустаҳкамланди, ташкилотчилик қобилиятлари ривожланди. Халқ орасидан чиққан, Коммунистик партия, совет тузумимиз тарбиялаб ўстирган Константин Устинович ҳамма лавозимларда ёшларга нисбатан оталарча муносабатда бўлиш, комсомол ва пионерларнинг ишлари ҳамда юмушларига эътибор билан қараш каби ленинча анъаналарга содиқ бўлиб қолди.

Константин Устинович ёшларга большевикчасига ишонар эди. У ёшларнинг бунёдкорлик ғайрат ва шижоатини қўллаб-қувватлар эди. Партиянинг комсомолга раҳбарлиги назарияси ва практикасини ривожлантиришнинг муҳим босқичи унинг номи билан боғланган. Партия бу раҳбарликни доим такомиллаштиришни социалистик жамиятда авлодлар революцион давомийлигининг энг муҳим гарови деб билади.

КПСС Марказий Комитети раҳбарлигида совет мактабини қайта қуриш, комсомолнинг фаолиятини яхшилаш, ёшларни коммунистик руҳда тарбиялашда унинг ролини ошириш юзасидан кенг кўламда қатъий тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу тадбирлар миллионларча йигит ва қизларнинг манфаатларига дахлдор бўлиб, ҳозирги ва келажакдаги авлодларнинг тақдирига самарали таъсир ўтказади.

Константин Устинович ёшлар уруш хавфининг олдини олиш учун кўп иш қила олади ва қилиши керак деб ҳисоблаб, комсомолнинг Буюк Ғалабамизнинг 40 йиллиги нишонланадиган йилда Москвада ёшлар ва студентларнинг XII Умумжаҳон фестивалини ўтказиш борасидаги ташаббусини қизғин қувватлади. Комсомол фестивалга тайёрланиб, социалистик мамлакатлардаги қардош ёшлар иттифоқлари билан, капиталистик ва ривожланаётган давлатлардаги ёшларнинг коммунистик, революцион-демократик ташкилотлари билан дўстликни мустаҳкамламоқда, улар билан биргаликда планетадаги барча тараққийпарвар ёшларнинг империализмга қарши курашида олдинги сафларда бормоқда.

Комсомол ҳозирги мотам кунларида ёш авлодни коммунистик руҳда тарбиялаш учун тўлиқ жавобгар эканлигини англаб, совет халқини ривожланган социализмни такомиллаштириш йўлидан комил ишонч билан олға бошлаб бораётган жонажон Коммунистик партия, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига ўз сафларини янада маҳкам жипслаштиради.

Ленин комсомоли КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг якунларини тўла-тўкис маъқуллаб, қўллаб-қувватламоқда. Пленум партиямиз стратегик йўлининг давомийлигини яққол кўрсатди, коммунистлар партияси мамлакатдаги барча синфлар ва социал группаларнинг, барча миллат ва элатларнинг манфаатларини ҳисобга олишга, уларни маҳкам жипслаштириб, халқнинг куч-ғайратини коммунистик бунёдкорликдан иборат муштарак ишга сафарбар қилишга қодир бўлган куч эканлигини яққол тасдиқлади.

Комсомоллар, йигит ва қизлар партия томонидан қўйилаётган вазифалар даражасида туриш учун ҳамма чораларни кўрадилар, КПСС-нинг XXVII съездини муносиб кутиб оладилар, социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини бутун чоралар билан мустаҳкамлайдилар, коммунизм учун курашчилар кекса авлодларининг шонли анъаналарини кўпайтирадилар.

Комсомол ёшларнинг талабчан ва сезгир мураббийси, коммунист Константин Устинович Черненконинг порлоқ хотираси олдида ўз байроқларини эгади. Унинг номи совет ёшларининг хотирасида ва ишларида яшайди.

## ҚИЗИЛ МАЙДОНДА МОТАМ МИТИНГИ

(Боши биринчи бетда).

Красноярск ўлка, Новосёлов районидаги «Легостаевский» совхозининг механизатори, РСФСР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. С. Циглимов сўзга чиқади.

СССР Фанлар академиясининг вице-президенти, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони П. Н. Федосеевга сўз берилади.

ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари В. М. Мишин микрофон олдига келади.

Мотам митинги ёпиқ деб эълон қилинади. Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари К. У. Черненко тобути қўйилган супача ёнига келадилар. Мотам маросими қатнашчилари Кремль девори томон йўл олади.

Соат 13 у 40 минут. Марҳумнинг жасади солинган тобут қабрга қўйилади.

СССР Давлат гимни садолари остида тўплар гумбурлайди. Худди шу дақиқаларда иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Одесса, Севастополь, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон Брест қалъасида, шунингдек Калининград, Львов, Ростов-Дон, Куйбишев, Свердловск, Новосибирск, Чита, Хабаровск, Владивосток, Красноярск шаҳарларида тўплардан ўқ узиб салют берилади.

Мамлакат мотам сукунатида. Корхоналар ва ташкилотларнинг иши беш минут тўхтади. Фабрикаларда, заводларда, темир йўлларда, денгиз ва дарё флоти кемаларида гудоклар чалиниб, 3 минут давомида салют берилди.

Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарлари яна Марказий минбарга кўтариладилар.

Москва гарнизони қўшинларининг қисмлари шаҳдам қадам ташлаб Мавзолей олдидан ўтадилар. Улар Коммунистик партия ва Совет давлатининг раҳбарига сўнгги ҳарбий эҳтиромни бажо келтирадилар.

Константин Устинович Черненконинг порлоқ хотираси коммунистларнинг, совет кишиларининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг қалбида абадий сақланиб қолади.

(ТАСС).

## СУКУНАТ ДАҚИҚАЛАРИ

Бутун мамлакат аҳли, бутун тараққийпарвар инсоният билан бирга 13 март куни Ўзбекистон ҳам Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, коммунизм идеаллари учун, тинчлик учун матонатли курашчи Константин Устинович Черненко билан видолашди.

Москвада К. У. Черненкони дафн этиш маросими ўтаётган дақиқаларда миллион-миллион кишилар телевизор экранларида мотам маросимини кўриб турдилар. Улар КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг, КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин, Красноярск ўлка Новосёлов районидаги «Легостаевский» совхози механизатори, РСФСР Олий Совети депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони С. С. Циглимов, бошқа нотиқларнинг нутқларини зўр эътибор бериб тингладилар. Республика меҳнатчилари К. У. Черненко билан видолашар эканлар, ўз сафларини Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитети, унинг жанговар штаби — Сиёсий бюро теварагида янада маҳкамроқ жипслаштиришга, Советлар Ватани янада бадавлат ва бақувват бўлиши учун, ривожланган социализмнинг бунёдкорлик имкониятлари янада тўлиқ намоён бўлиши учун ҳамма ишни қилишга қасамёд этдилар. КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг материаллари меҳнаткашларни шу йилги планларни бажариш соҳасидаги ишни муваффақиятли туғаллашга, шу тариқа навбатдаги беш йиллик дадил бошланишини таъминлашга, партия XXVII съездини муносиб кутиб олишга даъват қилади.

Ўзбекистон Константин Устинович Черненкони чуқур қайғу туйғуси билан сўнгги йўлга кузатиб қолди. Москва билан айни бир пайтда Тошкентда тўп садолари янгради. Завод ва фабрикалар, локомотивлар уч минут мобайнида узлуксиз гудок чалиб салют бериб турдилар. Мотамона сукунат дақиқалари шаҳар ва қишлоқларда республика меҳнатчилари атоқли партия ва давлат арбоби Константин Устинович Черненко хотирасига ҳурмат бажо келтирдилар.

(ЎзТАГ).

## САФЛАРИМИЗНИ ЯНАДА ЖИПСЛАШТИРАМИЗ

**Константин Устинович Черненконинг сиймоси миннатдор халқ хотирасида бутун куч ва билимини мамлакат экономикасини ривожлантиришга, халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстиришга, Ватан хавфсизлигини таъминлашга, ер юзида тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга сарфлаган атоқли партия ва давлат арбоби, курашчи, коммунистнинг ёрқин намунаси бўлиб ҳамиша сақланиб қолади.**

**КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми Коммунистик партия билан Совет давлати ленинча ички ва ташқи сиёсатини рўёбга чиқаришдаги давомийликни яққол намойиш этди.**

**Совет кишилари партия ўртага қўйган юксак ва масъулиятли вазифаларни бажаришга азму қарор берганлар. Шу кунларда мамлакатнинг барча иттифоқдош республикалари меҳнат коллективларида бўлиб ўтган митингларда шу фикр изҳор этилди.**

Москвадаги «Хроматрон» заводида бўлиб ўтган митинг қатнашчилари КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми қарорларини якдиллик билан тўла-тўкис қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар. Бу корхонадаги кишилар К. У. Черненко билан бўлиб ўтган учрашувни, унинг маслаҳатлари ва тавсияларини яхши эслайдилар.

Корхона парткомининг секретари Р. Скалкин бундай деди: К. У. Черненко КПСС Марказий Комитетининг, Сиёсий бюронинг ривожланган социализмни такомиллаштириш тўғрисида партия йўлини ишлаб чиқиш соҳасидаги коллектив фаолиятига шахсан катта ҳисса қўшди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари М. С. Горбачев Марказий Комитетнинг навбатдан ташқари Пленумида сўзлаган нутқида партиянинг XXVI съездида, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида Юрий Владимирович Андропов билан Константин Устинович Черненконинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган стратегик йўл изчил йўл бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади, деб таъкидлади. Бу — мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш, жамият турмушининг ҳамма соҳаларини такомиллаштириш йўлидир.

Ҳар бир киши бунёдкорлик меҳнати билан шуғулланган тақдирда партия ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш мумкин бўлади, деб таъкидлади ўз нутқида инженер-технолог Г. Воробьева.

— Бутун коллектив каби цехимиз ходимлари ҳам,— деб уқтирди у, — КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми якунлари, Михаил Сергеевич Горбачевнинг Пленумдаги нутқидан олинган зўр таассурот остида яшаб турибдилар. Оддий ва ҳаммага тушунарли сўзлар совет кишилари олдидаги аниқ-равшан мақсадларни тушунтириб берди, биринчи галдаги вазифаларни кўрсатди. Бу мақсад ва вазифалар ўз иш жойида виждонан фидокорона меҳнат қилишдан, ўз қобилияти ва истеъдодларини намоён этишдан, ўзи ва касбдош ўртоқлари қилган ишларга танқидий баҳо бера билишдан, камчиликларнинг сабабларини аниқлашдан, нуқсонларни тугатишга интилишдан, бутун коллективнинг иши учун юксак масъулиятни сезишдан иборат.

Митинг қатнашчилари корхона коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан фидокорона меҳнат қилиб, партия ўртага қўяётган вазифаларни бажаришга муносиб ҳисса қўшади, деб таъкидладилар.

М. И. Калинин номидаги Москва камволь-йигирув фабрикасининг янги ип ўраш цехи станоклар сафлари тепасига «Партия билан халқ якдил!» деган шиор осилган. Корхона бошқа цехлари ва бўлимларининг вакиллари ҳам шу ерга тўпланишган.

— Коммунистик партия билан Совет давлати атоқли арбобининг юраги уришдан тўхтаганини англаш қайғулидир, — деди митингда ип йигириш цехининг мастер ёрдамчиси В. И. Казанбаева. Шу кунлардаёқ биз Ленин партияси теварагида янада маҳкамроқ жипслашишга, коммунистик қурилиш режаларини амалга ошириш йўлидаги курашда кўпроқ муваффақиятларга эришишга азму қарор берганлигимизни билдирамиз.

Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партияни совет жамиятининг раҳбар ва раҳнамо кучи деб билишларини митинг қатнашчилари таъкидлаб ўтишди. Улар КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг қарорларини қўллаб-қувватлашларини изҳор қилдилар.

— Пленум якунлари, ўртоқ М. С. Горбачевнинг Пленумда сўзлаган нутқи янада яхшироқ меҳнат қилишга, КПССнинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун астойдил курашга руҳлантиради,— деди слесарь В. Татаров коллективнинг фикрини ифодалаб.

Красноярск дон комбайнлари ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош конвейерида бўлиб ўтган митингга барча цех ва бўлимларнинг вакиллари тўпланишди. Катта мастер П. Вальнев минбарга чиқади.

— Ватанпарвар ва интернационалист, коммунизм ва ер юзида тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи К. У. Черненко орамиздан кетди. Константин Устинович Красноярск диёрида туғилиб ўсган. Шу ерда у ўзининг меҳнат фаолиятини бошлаган. У Красноярск ўлка партия комитетида ишлаганида бизнинг корхонамизга тез-тез келиб турар, меҳнаткашлар билан учрашар, уларнинг фикр-ўйларини қизиқиб суриштирар эди. Одамларнинг талаб ва эҳтиёжларига сезгирлик билан қарайдиган қалби дарё, принципиал ва камтарин инсон К. У. Черненко партияда, халқ орасида зўр ҳурмат қозонди.

Митингда сўзга чиққан кишилар барча сибирликлар каби Красноярск машинасозлари ҳам янада зўр ғайрат-шижоат ва фидокорлик билан меҳнат қиладилар, деб таъкидладилар. Улар КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми мамлакат меҳнаткашлари олдига қўйган вазифани бажаришга — қисқа муддатларда энг илғор фан-техника позицияларига, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг дунёдаги энг юқори поғонасига чиқиб олишга салмоқли ҳисса қўшадилар.

Киевдаги «Большевик» полимер машинасозлиги бирлашмасидаги митинг қатнашчилари партиянинг ички ва ташқи сиёсатини астойдил қўллаб-қувватлашларини, Ватан қудратини ҳар томонлама мустаҳкамлашга аҳд қилганликларини билдирдилар.

— К. У. Черненконинг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар совет кишилари қалбига чуқур қайғу солди,— деди разметкачи Ф. Чусовитин:— Бизнинг Ватан бахт-саодати йўлидаги меҳнатимиз унинг хотирасини энг яхши тарзда ҳурматлаш бўлади. Ленин партиясининг режаларини муваффақиятли амалга ошириш учун бутун куч-ғайратимизни ишга соламиз.

Бош мастер Е. Белозеров, комсомол комитети секретарининг ўринбосари Н. Саливон ва бошқалар корхона коллективини план ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш учун ҳамма ишни қилишга, ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида интизом ва уюшқоқликни оширишга чақирдилар.

Литвадаги энг катта тўқимачилик корхонаси—Каунасдаги «Дробе» жун газлама ишлаб чиқариш бирлашмасининг меҳнатчилари митингга тўпланиб, Ленин ғояларига содиқ эканликларини билдирдилар, бутун кучларини социалистик Ватаннинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлашга сарфлаш тўғрисида КПСС Марказий Комитетига, Совет ҳукуматига ваъда бердилар.

— Ўртоқ М. С. Горбачев ўзининг КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумида сўзлаган нутқида,— деди тўқувчи В. Аксамитаускене,— Марказий Комитет теварагига жипслашган халқ билан партия совет Ватанимиз янада бадавлат ва бақувват бўлиши учун ҳамма ишни қиладилар, деб ишонч билдирди. Корхона коллективи Пленум якунларини, партиянинг ички ва ташқи сиёсатини тўла-тўкис маъқуллайди. Ленин партиясининг XXVII съездини муносиб кутиб олишга ҳозирлик кўраётган тўқимачилар топшириққа қўшимча равишда бу йил 150 минг метр жун газлама тўқиб чиқариш мажбуриятини олдилар.

— Биз халқ хўжалигини интенсив ривожланиш изларига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришишимиз лозимлигини ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленумида сўзлаган нутқида уқтириб ўтди,— деди митингда сўзга чиққан Олмаота уйсозлик комбинати комсомол-ёшлар қолипчилар бригадасининг бошлиғи С. Бекбасов. Барча совет кишилари қатори биз ҳам шу вазифани бажариш учун бутун куч ва тажрибамизни ишга соламиз.

Уйсозлар КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Коммунистик партияга, совет халқига Мурожаатига жавобан беш йилликнинг туғалловчи йилида меҳнат унумдорлигини пландан ташқари икки процент ошириш, йигирматадан кўпроқ йирик объектнинг ишга туширилишини жадаллаштиришга қарор бердилар.

Минск автомобиль заводининг меҳнатчилари митингга тўпланиб, жонажон Коммунистик партия теварагида янада маҳкамроқ жипслашишга, беш йиллик планлари ва топшириқларини амалга ошириш учун янада сабот билан меҳнат қилишга аҳд қилганликларини билдирдилар.

— К. У. Черненко ҳар биримиз учун партия ишига садоқат билан хизмат қилиш намунаси бўлиб келди, у эллик йилдан ортиқ вақт партия сафида бўлди, — деди штамповкачи темирчи Е. Шуляк. — Бизнинг зарбдор меҳнатимиз К. У. Черненко хотирасига бағишланади. Автозаводчилар коллективи план топшириқларидан ўзиб ишламоқда.

Ўртоқ М. С. Горбачев КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил 11 мартда бўлиб ўтган Пленумида сўзлаган нутқида таъкидлаганидек, партиянинг стратегик йўли узлуксиз йўл бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Корхона ишчилари, инженер-техник ходимлари, хизматчилари партия режаларини бажариш учун кучларини аямайдилар. Корхонада КПСС XXVII съездини, Буюк Ғалабанинг 40 йиллигини муносиб кутиб олиш йўлидаги мусобақа кенгайиб бормоқда.

Ерevandаги «Наирит» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективи К. У. Черненконинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб ҳурмат билан эсга олди. Каучук ишлаб чиқариш аппаратчиси В. Азизян митингда сўзлаган нутқида бундай деди:

— Совет кишилари Коммунистик партияга сидқидилдан ишонадилар, экономикамиз Коммунистик партия раҳбарлигида муттасил ривожланмоқда, давлатнинг мудофаа қудрати мустаҳкамланмоқда. Арманистон химиклари беш йиллик топшириқларини муваффақиятли амалга ошириб, мамлакат халқ хўжалигини юқори сифатли маҳсулот билан таъминламоқдалар. Биз эришилган муваффақиятларни янада сабот билан кўпайтиравeрамиз.

Митингда сўзга чиққан кишилар КПССнинг ички ва ташқи сиёсатини якдиллик билан қўллаб-қувватлашлари, унинг ленинчи Марказий Комитети теварагига янада маҳкамроқ жипслашишга интилишлари ҳақида гапирдилар.

— К. У. Черненконинг бевосита иштирокида ишлаб чиқилган мактаб ислоҳотини изчиллик билан амалга ошириш, ёшларни коммунизм идеалларига садоқат руҳида тарбиялаш соҳасида фидокорона меҳнат қилиш марҳумнинг хотирасига ҳурмат бажо келтириш бўлади, деди Қирғизистоннинг Сокулук районидаги 1-Ново-Троицкое ўрта мактаби муаллимлари ҳамда ўқувчилари митингида партия ташкилотининг секретари Ю. Медикова. — КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев навбатдан ташқари Пленумда сўзлаган нутқида инсоннинг турмуш шароитини яхшилаш унинг умумий ишга тобора кўпроқ ҳисса қўшишига асосланиши лозимлигини айтди. Бу нарса ёшларимиз дунёқарашининг негизи бўлиши керак. Ёш авлодни коммунизм идеаллари йўлида актив курашчилар қилиб тарбиялаш учун бутун кучимизни сарфлаймиз, деб партияга ваъда берамиз.

Владивостокдаги СССР 50 йиллиги номли «Дальзавод» кема ремонтчиларининг митинги бўлиб ўтди.

— К. У. Черненконинг вафот этганлиги тўғрисидаги хабар қалбларимизни қаттиқ изтиробга солди, — деди бригадир В. Белотелов. — КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Советининг Мурожаатига жавобан янада зўр ғайрат-шижоат, юксак онглилик ва уюшқоқлик билан меҳнат қиламиз.

Мамлакатнинг бошқа меҳнат коллективларида бўлиб ўтган митингларда меҳнаткашларнинг КПССга астойдил ишончи ҳақида, коммунизм идеалларига садоқати тўғрисида гапирилди. Совет кишилари партиянинг программавий мақсадларини бажонидил қўллаб-қувватлашларини, КПСС Марказий Комитети навбатдан ташқари Пленумининг қарорларини сидқидилдан маъқуллашларини билдирдилар. Улар партия XXVII съездини муносиб кутиб олишга, социалистик Ватан қудратини ижодий меҳнат билан мустаҳкамлашга азму қарор берганлар.

(ТАСС).

